

**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK
UNIVERSITETI**

**SHARQ FALSAFASI VA GERMENEVIKA
KAFEDRASI**



**"SHARQ ALLOMALARI YOZMA
MEROSINING ILMIY, FALSAFIY,
MA'NAVIY TAFAKKURDAGI O'RNINI"**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI MATERIALLARI**

TOSHKENT - 2026

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK
UNIVERSITETI**

**SHARQ ALLOMALARI YOZMA MEROSINING
ILMIY, FALSAFIY, MA‘NAVIY
TAFAKKURDAGI O‘RNI**

**Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi
materiallari**

Toshkent – 2026

3. Herbert Davidson. *Al-Farabi, Avicenna, & Averroes on Intellect*. – New York: Oxford University Press, 1992.
4. İbn Ebû Usaybia, ‘Uyûnü’l-enbâ. Beyrut 1978-79, II,
5. Sulaymân Dunyâ. Ibn Sînâ. al-Ishârât wa’l-tanbîhât, ma’a Sharh Naşîr al-Dîn al-Ṭūsî. Cairo. 1960.
6. ابن سينا. اشارات و تنبيهات. ترجميما و شرح دكتور حسن ملكشاهي، تهران. 1988
7. ابن سينا. الإشارات و التنبيهات مع شرح نصير الدين الطوسي. القسم الثاني في الفلسفة الإسلامية،
8. ابن سينا. الإشارات و التنبيهات. تهران، 1332.
9. ابن سينا. الإشارات و التنبيهات، تهران. 1988. ص. 94. (Ibn Sino. “Al-Ishorat va at-tanbihot”, Tehron. 1988. B. 94)
10. ابن سينا. الإشارات و التنبيهات. التحقيق: مجتبى الزارعي. الناشر: مؤسسة بوستان كتاب. ص. 190. (Ibn Sino. “Al-Ishorat va at-tanbihot”. Mujtaba Zariy tahlili)

УМАР АЛ-ЧАҒМИНИЙ ТАЪЛИМОТИДА ТЎРТ УНСУР НАЗАРИЯСИНING ОНТОЛОГИК ВА КОСМОЛОГИК АСОСЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-83-84>

Холбаева Райхона Абдулазисовна
 ТДШУ илмий тадқиқотчиси

Аннотация: *Мазкур мақолада ўрта аср Шарқ мутафаккири Умар ал-Чағминийнинг табиий-фалсафий қарашларида тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво ва олов ҳақидаги таълимотнинг онтологик ҳамда космологик асослари таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *Умар ал-Чағминий, тўрт унсур, онтология, космология, табиат фалсафаси.*

Ўрта аср Шарқ илм-фани ва фалсафасида коинотнинг тузилиши, борликнинг моддий асослари ва табиат қонунларини англаш масаласи муҳим ўрин эгаллаган. Айниқса, IX–XIII асрларда Марказий Осиё ва мусулмон Шарқида юнон фалсафаси меросининг қайта ўзлаштирилиши натижасида табиат фалсафаси ва космология соҳасида йирик илмий мактаблар шаклланди.

Натурфалсафада тўрт унсур ҳақидаги таълимот илк бор қадимги юнон файласуфи Эмпедокл томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра бутун борлик тўрт асосий элемент – олов, ҳаво, сув ва тупроқдан ташкил топган.[1]

Арасту эса ушбу назарияни ривожлантириб, ҳар бир унсур муайян табиий сифатларга эгаллигини таъкидлайди.[2]

Моворауннаҳрда XII–XIII асрларда яшаб ижод этган табиийун аллома Умар ал-Чағминий ўзининг «Мулаххас фи-л ҳайъа» ва «Қонунча» асарларида мазкур қадимий анъанани давом эттириб, коинотдаги барча моддий жисмларнинг асосини тўрт унсур ташкил этади, деб ҳисоблайди. Аллома фикрича, “табиатдаги барча жисмлар икки гуруҳга бўлинади. Улардан биринчиси табиатдаги тўрт унсур ҳисобланган тупроқ, сув, ҳаво ва сув бўлиб, бу унсурларнинг ҳаракати тўғри ҳаракатдан иборат. Бу унсурлар қуйи унсурлар ҳисобланиб, улар пайдо бўлиш ва завол топишдан иборат. Иккинчи тур жисмлари эса юқори оламни ташкил этувчи осмон, яъни самовий жисмлар бўлиб, улар айланма ҳаракат қилади. Қуйи оламни ташкил этувчи бошланғич тўрт унсурларнинг бири енгил ва бошқаси оғир бўлади. Энг оғир унсур бу – тупроқдир. Юқоридаги тўрт унсурдан оламнинг асоси вужудга келган. Шундай экан, уларнинг Ер сайёрасида мавжудлигининг ўзи ҳам бизни бу унсурларни ўрганишимизга катта имконият яратади.[3]

Умар ал-Чағминийнинг “Муллахас фи-л ҳайъа” ва “Қонунча” асарларининг муқаддима қисмида жисмларни ўлчовлардан ташқари уларни содда, мураккаб таркибли жисмларга бўлади. Содда жисмлар ўз навбатида жойлашув ўрнига кўра қуйи ва юқори оламни ташкил этувчи, ҳажмига кўра эса оғир ва енгил жисмларга бўлади. “Содда жисмлар тўрт бошланғич унсурлар – олов, сув,

тупроқ ва ҳаводан иборат бўлиб, улар оламни асосини ташкил этувчи жисмлардир. Бу жисмларни ҳаракати турли тумандир. Масалан, олов ва ҳаво – юқорига, сув ва тупроқ эса қуйига интилади.”[4] Мураккаб жисмлар эса содда жисмлар қўшилишидан пайдо бўлади. Инсоният, набодот ва бошқа Ер юзидаги мавжудотлар турли унсурларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Уларнинг табиати ҳилма ҳил бўлиб, ҳар бири муайян шакл, тузилиш ва ҳаракатга эга. [5] Чағминий бу ерда “мураккаб”нинг моҳиятини содда жисмларнинг уйғунлиги ва ўзаро таъсирида кўради. Алломанинг юқоридаги икки рисоласида Арасту ва Ибн Синоларни таъсирини кўриш мумкин. Хусусан, “Мулаххас” ни муқаддимасида тўрт бошланғич унсурлар ўз навбатида Ер юзида кетма кет, яъни иерархик жойлашган макони тўғрисидаги қарашлар ёритилган.

Чағминий космологик қарашлари ҳам тўрт унсур назарияси билан чамбарчас боғлиқ. Аллома космологияси Птоломейнинг геоцентрик моделига асосланган бўлиб, унга кўра Ер коинот марказида жойлашган деб қаралади.[6]

Аллома қарашларида Ойдан қуйи дунё – ўзгарувчан ва бузилувчан бўлиб, айнан тўрт унсурдан ташкил топган. Юқори олам эса ўзгарувчан ва абадийлиги таъкидланади .

Тўрт унсур назариясининг табиий-илмий аҳамияти ўрта асрларда тўрт унсур назарияси нафақат фалсафий, балки тиббий ва табиий-илмий соҳаларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ибн Сино тиббиётида инсон танаси тўрт хил мизож ва унсурлар мутаносиблиги асосида тушунтирилган.[7]

Тўрт унсур назариясининг ислом фалсафасидаги талқини эса Форобий, Ибн Сино ва Беруний каби мутафаккирлар юнон натурфалсафаси меросини ривожлантирганлар.

Умар ал-Чағминий таълимотида тўрт унсур назарияси коинот ва борликни англашнинг марказий фалсафий асосларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. — Москва: Мысль, 1976.
2. Ал-Чағминий. ал-Мулаххас фи-л-ҳайъа. — Қоҳира, 1893
3. Асмус В. Ф. Античная философия. — Москва: Высшая школа, 1976.
4. Ибн Сино. Китоб аш-шифо. — Техрон, 1985.
5. Сиддыков Х. С. О научном творчество Чагмини// Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Т.: «Фан» , 1972. – С. 203-204.
6. Сиддыков Х. Махмуд ибн Мухаммад ибн Омар ал-Чагмини ал-Хорезми – великий ученый средневековья. Вестник Кара-Калпакского филиала АН РУз. 1965, №4.